



4

АНДИША:
Узоқлашиш узи-
лишга уланмасин

**FAST
FOOD:**



соғлиққа
зарарми ёки?..

5

Келиндан
кўнглингиз тўқми?

6



Роналду «Реал»да
қолади!

8

БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ



— Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига атаб кутлуг ниятлар билан 20 туп ниҳол эккан эдик. Хозир кўчатларимиз анча бўй чўзиб қолди. Болаларимиз уларни шунақа меҳр билан парвариш қилишяптики, насиб этса, ўзлари меваларини тотишади, — дейди Чирчиқ шаҳридаги 14-сонли Меҳрибонлик уйи раҳбари Фарида КЕНЖАЕВА.

(Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида турли соҳалар бўйича ибратли ишларни амалга ошираётган хотин-қизлар фаолияти хусусида тайёрланган мақолани 3-саҳифада ўқийсиз.)



Ватан менинг жонимдадур...

“Бу дунё кураш майдонидир. Бу майдоннинг қуроли соғлом жисму тан, ақл ва ахлоқдир. Шундай қуроллар билан ҳаётда саодатга, роҳатга эришмоқ мумкин. Агар саодат, иззат, осойишталик, роҳат ва шарафга эришмоқ керак бўлса, кейинги авлод тарбиясига жиддий эътибор қаратмоқ, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбияламоқ лозим”, деган эди машҳур алломалардан бири.

→ 2 →

Ушбу сонда:

Муҳими — билиш эмас, амал қилиш	2
Ота-она фарзанд олдида жавобгар, болалар-чи?	5
Ўғрилари кўрқитган аёл	6
Бировнинг эри барибир омонат экан	7
Опасини кўриб, синглисига уйланган йигитнинг аламли мактуби	7
Қайсарлик қимматга тушмасин	8

“ОБУНА — 2011”



“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!

Унутманг, газетамизга обуна йил бўйи давом этаверади.

Якка обуначиларга — 176,
Индекс: Ташкилотларга — 177

Ватан менинг жонимдадур...

(Давоми.

Боши 1-бетда).

Ватан деганда, тасаввуримизда дастлаб инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига мазмун бахш этадиган маскан гавдаланади. Зеро, ҳар бир инсоннинг ўз туғилган ери, ўсиб-улгайган юрти, қадрдон гўшаси бор.

Ватан — муқаддас сўз. Инсон яралибдики, бу сўзнинг маъносини тушунишга, унинг моҳиятини англашга, қадрини билишга интилади. Киндик қони тўкилган юрт, она замин, муқаддас Ватан учун жон фидо этган буюк аждодларимиз жасорати бу табаррук тушунча мазмунини янада теранроқ идрок этишга ёрдам беради. "Ватан" сўзи янграса, туйғулар жўш уриб, қалбларини эзгу ҳислар тўлдирди. Ҳар бир авлод "Ватан" тушунчасини ўзи учун қайтадан кашф этади ва ўз фаолияти билан унинг мазмун-моҳиятини кенгайтиришга ҳисса қўлади. Шу боис ҳам "Ватан" тушунчасини Ватаннинг бепоён сарҳадларидек кенг тасаввур қилмоқ, ҳис эсмоқ жоиз.

Одамзот икки нарсани — Ватани ва ота-онани танлаш ҳуқуқига эга эмас. Ҳар иккисини ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш ҳар бир инсон учун олий бурч ва шарафли вазифадир.

Ватан нима учун севилади? Нега у ймон қадар юксак тутилади? Не сабаб унга жон фидо этилади? Чунки Ватан онадек танҳо ва ягонадир. Миллат тушунчаси ҳам ҳаммиша Ватан билан ёнма-ён туради. Уларни бир-бирисиз тасаввур қилиш қийин. Инсон борки, унинг қалбида Ватан туйғуси яшайди. Ҳеч ким уни севишга мажбур қилинмайди. Турли сабабларга кўра ўз она Ватанидан, ақинларидан айроликда яшашга мажбур бўлган инсонларнинг киндик қони тўкилган заминига тал-



ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

пиниб, она юрт соғинчи билан ўртангани ҳам шундан эмасми?

*Толе йўқки, жонимга балолоғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетай, не юз қаролиғ бўлди.*

Олис ҳинд тупроғида улкан давлат барпо этган, илму фан, адабиёт ва санъатда ўчмас из қолдирган шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг она юртдан келадиган ҳар бир муждани кўзлари тўрт бўлиб муштоқ кутгани, айниқса, жаннатмонанд юртдан келтирилган меваларни кўрганида ёш боладек ўзини тутолмай йиғлагани сирини не экан? Не тонгики, шундай нуфузли мамлакат ҳукмдори бўла туриб, то умрининг сўнгги лаҳзасигача Андижонни, сўлим Фарғонани, Боболаридан мерос Самарқандни кўмсаб ўтди. Шу боис ҳам Бобур ижодининг салмоқли қисмини Ватан соғинчига бағишланган асарлар эгаллайди.

Ватан оддий тупроқ эмас, у авлод-аждодларимизнинг бетакрор ҳаёти кечган, уларнинг муборак хоклари мангу макон топган кутлуг мавводир. Утмиш ривоятларидан бирида шундай дейилади: Қадимда бизлар яшаётган замин ҳоконларидан бирини душман тарафқарилар қандай

қилиб бўлса-да, урушга тортиш учун баҳона изларди. Шу сабаб аввалига унинг севган отини сўрайди. От бир соғатда минг фарсах йўл босарди. Ҳоқон қурултой чақирди, урушнинг даҳшатли оқибатларидан кўра севган отидан ажралмоқни афзал билди. Душман эса энди бошқа баҳона изларди. Шунинг учун бу гал унинг севган ёрини талаб қилди. Жами беклар, қўшин бошқилари ларзага келишди. "Бизни йўлла! Рухсатингни тилаймиз, ҳукмдорим!" дейишди улар. Ҳоқон рухсат бермади. "Мен юртимни муҳаббатим

учун қурбон қила олмайман!" дея бошига тушган мусибатга чидади. Яна душман тарафдан элчилар келишди. Бу гал улар мутлақо унумсиз, яйдок, қақроқ бир парчагина ерни сўрадилар. Қурултой яроқсиз бир парча ерни бериш билан мамлакат бир нараса бўлиб қолмаслигини айтган эди, энди хон ларзага келди: "Ватан бизнинг мулкимизгина эмас, мазорда ётган оталаримизнинг, қиёматга қадар туғиладиган набираларимизнинг бу муқаддас тупроқда ҳақлари бор. Ватан бир қарич бўлагини бўлса-да, бермоқча ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир. Энди урушамиз. Ватан орқадан олга! Бўйин товлаганларга ўлим!" деб, шердек душманга ташланди...

Ватанпарварлик туйғусини юрагида асраб яшаётган ҳарбийларимизнинг қалби, онги-шуури, қон-қони, жисми-жонига сингиб кетган она тупроқ меҳри дилда жўш уриб турар экан, беҳавотир яшайверамиз. Тинчлигимиз, сосийталигимиз посбонлари нафақат табаррук заминимиз, муқаддас Ватанимиз сарҳадларининг, балки жонимиз, кўнглимизнинг ҳам ҳимоячиси бўлишига ҳеч бир шубҳа йўқ.

Ҳанифа ЁҚУБОВА,

Мудофаа вазирлигининг маънавият ва маърифат маркази илмий-услубий бўлими ходими.

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

Инвестициявий алоқалар кенгаймоқда

Миллий матбуот марказида мамлакатимизнинг халқроқ молия институтлари билан инвестициявий ҳамкорлигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мутахассислар таъкидлаганидек, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки ва бошқа молия муассасалари билан инвестициявий алоқалар кўлами йил сайин кенгайиб бораётир. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бугун республикамиз жаҳон миқёсида олиб қаралганда ҳам жадал ривожланаётган, ҳамкорлик учун қулай муҳит яратилган давлатлар сирасига киради. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда Жаҳон банки ва Ислон тараққиёт банки иштирокида умумий қиймати 2,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 45 та лойиҳа амалга оширила бошлади. Мазкур сармоялар иқтисодиётимизнинг янада ривожланишига, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Мадина НУРИДДИНОВА

Бир ҳафталик саёҳат

Самарқанд вилояти ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобига турган боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар болалари, диний экстремистик ва террористик гуруҳлар таъсирига тушиб қолган ёшлар, шунингдек, бундай жиноятлар учун жазо ўтаётган шахсларнинг вояга етмаган фарзандлари учун "Тарихий хотирасиз келажак йўқ!" шиори остида саёҳат ташкил этилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сохта диний ғоялар ва ақидапарастликка қарши мустақкам тафаккурини шакллантиришга қаратилган тадбир Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, вилоят прокуратураси, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси ҳамда "Қамолот" ЕИХ вилоят бўлими, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилди.

Ёшлар бир ҳафта давомида тарихий обидаларни томоша қилиб, муқаддас қадимжоларни зиёрат этдилар. Вилоятдаги бунёдкорлик ишлари ва улкан ўзгаришларни кўрган ҳар бир киши ана шундай хайрли амалларга эш бўлса, ажаб эмас.

З. МУҲИДИНОВ,
Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциациясининг Самарқанд вилоят бўлими раиси.

Ёшлар фестивали давом этаётир

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб "Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!" шиори остида шу йилнинг 24 апрелидан 8 декабрига қадар ўтказилиши белгиланган ёшлар фестивали қизгин паллага кирди. Эътиборли жиҳати, лойиҳа доирасида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар республикамизнинг барча ҳудудларида ушатирилиб, минглаб ёш истеъодларини кашф этишда ўзига хос синов вазифаси ҳам ўтамоқда.

Ҳозирги кунга қадар бундай тадбирларда 100 мингдан ортиқ ёшлар фаол иштирок этдилар.

Шохрух ОЗОДОВ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Ҳамкорлик кучаймоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг жорий йил январь ойида Брюсселга ташириги асосида мамлакатимизда Европа Иттифоқи ваколатхонасини очиб борасида келишувга эришилган эди. Яқинда Европа Иттифоқи чехиялик дипломат Ондřej Шимекни ўзининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари этиб тайинлади.

Бу тўғрида Чехия Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси тарқатган хабарномада маълум қилинди. Таъкидлаш керакики, сўнгги вақтларда Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги муносабатлар фаоллашиб бормоқда. Хусусан, яқинда Европа Парламенти делегацияси Ўзбекистонга ташир буюрди. Ушбу ташир доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон ва Европа Иттифоқида сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, икки томонлама шериклик ва ҳамкорликни янада мустақкамлаш" мавзусида халқроқ давра сўхубати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқалар ва парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий йўналишларда, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, транспорт, таълим, стандартиштириш ва сертификатлаш, аудит, наркотик моддалар назорати каби соҳалар, шунингдек, Афғонистонда тикланиш ишларини амалга ошириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлаш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. ЕИ минтақавий ва халқроқ аҳамиятта молик долзарб масалаларни ечиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни, хусусан, Ўзбекистоннинг ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

ЕИ Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шеригидир. Айни пайтда йиллик ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошмоқда. ЕИ мамлакатларидаги 275 компания Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Хайрулла БҮСТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тинловчиси.

Муҳими — амал қилиш

Кўпчилигимиз қонунларни биламиз, ҳуқуқий маданиятлимиз деб ўйлаймиз. Лекин ҳуқуқий онг даражаси фақатгина қонунлардан хабардорлик эмас, балки уларга амал қилишга ўз ифодасини топади.

Бир куни 13-14 ёшли қизчаларнинг жамоат жойида очкичасига сигарета тутатиб, ҳар хил ноҳўя сўзлар билан гаплашиб турганини кўриб қолдим. Уларнинг келгусида она бўлиб, қандай фарзандлар тарбиялаши ҳақида ўйлаб, даҳшатга тушиб кетдим. Мен бу ҳолат учун ҳеч қачон қизчаларнинг ўзини айбламайман. Аксинча, барига биз катталар сабабчимиз. Фарзандлар тарбиясига лоқайдлигимиз, уларни боқаман деб кун бўйи елиб-югуриб, кечкурун чарчаганимизни баҳона қилиб, ахлоқ-одоби билан қизиқмаганимиз туйғуландир барчаси. Ваҳоланки, ота-она болаларининг фақат моддий таъминланиши эмас, Оила кодексининг 73-моддасида кўрсатилганидек, соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиши шарт.

"Бола ҳуқуқлари тўғрисида" - ги халқроқ конвенция, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси ва бошқа кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Ота-оналар фарзандларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақи йўқ. Таълим-тарбия жараёни шафқатсизлик, қўполлик, менсимаслик, ҳақоратлаш, эксплуатация ва инсоний қадр-

қимматни камситувчи муомаладан холи бўлиш керак. Акс ҳолда, ота-оналар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғини

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

га хавф туғилганидан, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда ўша жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши шарт. Шундай маълумотларни олган тегишли идоралар эса зарур чораларни қўриши кераклиги ҳам қонунларда белгилаб қўйилган.

Болалар ота-оналари мажбурятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

"Бола ҳуқуқлари тўғрисида" - ги халқроқ конвенциянинг 12-моддаси ва Оила кодексининг 68-моддасига кўра, болаларнинг манфаатларига таалуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда улар ўз фикрини ифода қилишга, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир.

Х. ШАРИПОВА,
Қарши шаҳар ФХДЁ бўлими мудири.

Пойтахтдан шимол тарафга йўл олсангиз, Тошкент вилоятининг энг обод гўшаларидан бири, кимёгарлар шаҳри — Чирчиққа кириб келасиз. Бу ҳудуднинг бошқа жойлардан ажралиб турадиган жиҳати шуки, sanoat соҳаси гоёят ривожланган. Энг қувонарлиси, айнан истиқлол йилларида Чирчиқ чин маънода бунёдкорлик, яратувчилик майдонига айланди. Барча тармоқлар тараққий этди, ривожланди. Ана шундай истиқболли жараёнларда, ҳеч муболағасиз айтиш керакки, хотин-қизлар ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.

— Улуғ истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйига қизгин тайёргарлик кетаётган шу кунларда шаҳримизда ҳам иш қизгин. Корхона ва ташкилотлар, халқ таълими, тиббиёт ва бошқа ишлаб чиқариш билан банд бўлган аҳоли қатламлари бу улуғ айёмга ўзларининг муносиб совғаларини тайёрлашмоқда, — дейди Чирчиқ шаҳар ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Шохид Ирисметова. — Шаҳримизда 143 мингдан ошди аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг салкам 73 мингини хотин-қизлар ташкил этади. Бугунги давр талаби жиддий ва масъулиятли эканини англаган аёлларимиз жамиятда ҳам, ўз оилаларида ҳам зиммаларидаги шарафли вазифаларни муносиб адо этишмоқда. Кўмитамиз аъзолари баҳоли қудрат уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлмоққа интиляпти. Шу ўринда оддий бир ҳақиқатни ҳам эътироф этишим керак, аёлини улуғлаган, эъзозлаган юрт ҳеч қачон кам бўлмастлигини бугунги ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз.

Дарҳақиқат, суҳбатдошимиз ярим ҳазил, ярим чин маънода “Бизнинг Чирчиқда ҳам эркаклардан сира қолишмайдиган шундай фидойи аёллар бор. Яхшиси, уларнинг ўзлари билан суҳбатлашиб, гапимнинг чинлигига ўзингиз ишонч ҳосил қилинг” деганича бор экан. Ана шундайлардан бири “Махсус инвест” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Луиза Жумабоева 13 йилдики, тадбиркорлик соҳасида қатор хайрли ишлари амалга ошириб, чирчиқликлар эътиборини қозониб келаётган экан. Очигини айтсак, кўринишидан жуда содда, камсукум Луизахон опа ишбилармонликнинг ҳадисини пухта эгаллагани ҳақида кўпам мактанишни хуш кўрмаслиги шундоққина сезилиб туради.

— “Юрган — дарё” деган ибратли нақлнинг мағзини хизмат юзасидан хорижий юртларга чиққанамда чуқур англаб етганман. Ишбилармонлигим орқасидан Туркия, Малайзия ва Италияга бориб келдим. Иш ўргандим, тажриба орттирдим ва ўтган йили “Халқ банки”дан 100 миллион сўмлик кредит олиб, аҳолимизнинг озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича фаолият кўрсата бошладик. Қисқа муддат ичида мижозлар ишончини ишлаб қозондик. Терминаллар ишлаб турибди, энг керакли маҳсулотлар арзон нархларда ўз вақтида харидорларга етказилмоқда. Аҳолининг гўш ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун паррандачилик ва қорамол етиштиришни ҳам бизнес режаларимизга киритганмиз. Бу борада ҳам из-



кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва эъзоз хусусида ҳамкорларимизга тўлқинланиб сўзлаб бердим. Япон аёллари оддий чўпдан ҳам кўзларни қувнатадиган гўзал шакллар ясайдилар. Ҳар сафар тадбиркорликка қизиққанларга ўзим кўриб келган ана шундай ҳаётий мисолларни айтиб берман. Ахир, ҳар бир аёлнинг оиладаги вазифаси ҳам, аслида, тадбиркорликдан иборат-да! Чирчиқлик Гулбахор Кўзиёвани ҳам бугун бутун республикамиз хунармандлари яхши танийди, десак муболаға бўлмайди. Негаки, бу аёлнинг ўн йилдан буён оддий қоғоз, лой-тупроқдан маҳорат билан ясаётган кўгирчоқ, хайкалчалар ва уй жиҳозлари кўпчиликни ҳайратга

ҳамда 7-сонли умумтаълим мактабида ҳам махсус тўғарак очиб, болалар ва хотин-қизларга бу нозик ҳунар сир-асрорларини ўргатиб, олқиш олмақда.

Юртимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жумладан, хотин-қизлар саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, айниса, “Соғлом она — соғлом

расулова 35 йилдан буён акушер-гинеколог сифатида эл орасида обрў-эътибор топган, десам янглишмайман. Вилоятимиз бўйича оғир кечадиган туғруқларга ўринжон опанинг ўзлари ҳамisha бош-қош бўлади. Шогирдларидан Хуснора Тулекова ҳам марказимизнинг энг тажрибали дояларидан.

Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил



ОИЛАДА ЎЗ ЎРНИ БОР, ЖАМИЯТДА ТАШАББУСКОР

ёхуд чирчиқлик хотин-қизлар фаолиятига бир назар



ланишлар давом этапти. Ўнлаб иш ўринлари очганмиз. Мухими, элдошларимизга хизмат кўрсатаётганимиздан беҳад мамнунмиз.

Чирчиқ шаҳар тадбиркор аёллар уюшмаси раиси Ражаббуви Имомбердиевани кўпчилик ташаббускор ва тиниб-тинчимас инсон сифатида билади. Ўзининг айтишича, “Дилчеҳра” хусусий фирмасини ташкил этишда Юртбошимизнинг хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан қабул қилган фармонлари жиддий туртки бўлган экан. 1999 йил иш бошлаган мазкур фирманинг тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш учун икки марта йирик миқдорда имтиёзли кредитлар олиниб, замонавий тиббиёт ускуналари харид қилинган. Ҳозирги кунда бу ерда 24 нафар ишчи эл хизматига камарбаста бўлаёпти.

— Биласизми, мен шу соҳа ортидан дунё кездим. Хитой ёки Японияда олган таассуротларим мени янада руҳлантириб юборди, — дейди Ражаббуви Имомбердиева биз билан суҳбатда. — Айниқса, Японияда ўтказилган бизнес форумда иштирок этиб, юртимизда хотин-қизларга

бола” гоёси ҳаётга кенг татиб этиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шу маънода Чирчиқ шаҳрида 2008 йили ташкил этилган вилоят перинатал маркази фаолияти хусусида алоҳида тўхталмоқ жоиздир. 35 нафар шифокор, 151 нафар ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходими хизмат қилаётган мазкур саломатлик маскани 170 ўринга мўлжалланган.

— Халқимиз бежизга тани сихатликини ҳар қандай бойликдан афзал билмайди. Шунинг учун ҳам юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда, — дейди марказ раҳбари Лола Қорабоева. — Бунинг бир исботи сифатида марказимиз “Саломатлик — 2” лойиҳаси бўйича 268 млн. 222 минг сўмлик замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан таъмин-

қаратилмоқда, — дейди марказ раҳбари Лола Қорабоева. — Бунинг бир исботи сифатида марказимиз “Саломатлик — 2” лойиҳаси бўйича 268 млн. 222 минг сўмлик замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан таъмин-



Айнан ана шу кўргазмада тузилган шартномага мувофиқ “Микрокредитбанк” томонидан кўгирчоқ ва кулолчилик маҳсулотларини тайёрлаш учун 3,5 миллионлик маблағ ажратилган Гулбахор опани янада илҳомлантирмоқда. У шаҳардаги 14-сонли Меҳрибонлик уйи

ланганини келтиришим мумкин. Шунингдек, олти ўринли чақалоқлар реанимацион тиббий ёрдам бўлими ташкил этилди. Бу ерда хизмат қилаётган тиббиётчилар орасида чин маънода фидойи десак арзийдиган ҳамкасбларимиз жуда кўп. Шундайлардан бири ўринжон Абду-

этилган “Раҳбар аёллар клуби”нинг фаол аъзоларидан бири 32-сонли мактабгача таълим муассасаси мудри Зумрад Содикова “Мен бирор кунимни ҳам болажонларсиз тасаввур қилолмайман, улар бизнинг бахтимиз, келажагимиз”, дея ўзи бошчилик қилаётган маскандаги намунали шарт-шароитларни таърифлаган бўлса, шаҳар ФХДБ бўлими мудри Флора Наберева эса “Катта шаҳарнинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам катта бўлар экан. Бир йилнинг бошидан бери 317 нафар келин-қуввони расмий никоҳдан ўтказдик, мингдан ортик чақалоқларга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома бердик. “Ёш оила дорулфунуни”, “Ёш оила мактаби” махсус дастур бўйича фаолият юритаёпти”, дея таъкидлади. “Маҳалла” жамғармасининг шаҳар бўлими раиси Дилбар Пўлатова эса “Яхшиси, юринг, Чирчиқда энг ибратли маҳалла деб ном олган “Мурувват”га борамиз”, деб обод бир гўшага чорлади. Дунё кўрган, зиёли инсон Мирзатилла Мирзакаримовни ўз маҳалладошлари яқиндагина ўтказилган сайловда тўртинчи бор оқсоқолликка сайлашди. “Аёлларимизни ҳар қанча мактасак, ҳурматини жойига қўйсак арзийди, улар ҳам жамоатчилик орасида, ҳам ўз оиласида фаоллик кўрсатишяпти. Маслаҳатчимиз Назирахон ўрунова, тадбиркорлик бобида катта тажриба орттирган Озода Солиева, Фотима Имонова, Муҳайё Рихсибоева, Муҳаддас Турсунмуродова шундайлар жумласидан”, дея Мирзатилла ака уларни мактаб қўйди...

Ҳамроҳимиз — Дилбар Пўлатова бир кунлик ижодий сафарими нихоёсига етаётган маҳал “Биласизми, шаҳримизга узоқ-яқиндан келган меҳмонларнинг аксарияти 104 ёшли Каримахон ая Рўзатовани зиёрат этмоқни ният қилади. Келинг, шу баҳонада мўътабар онахоннинг ҳам дуосини олайлик”, деб қолди. Мухтасаргина мақоламизга фариштасифат аянинг чин юракдан айтган дил сўзларидан бошқа яхши хотима тополмадик:

— Шундай фаровон, тинч-осойишта замонларга етказганига минг қатла шукр! Илоё, мустақиллигимиз абадий, халқимиз омон бўлсин!

Нигора ЎРОЛОВА
Тошкент вилояти.

...Ибогул опа — мактаб директори. Ўттиз йилдан ошибдики, туман марказидан неча юз километр олисликдаги чўл мактабда меҳнат қилаяпти. Ахён-ахён-да бу ерга шаардан келиб-кетувчилар "Жонингизга баракалла..." дея бош ирғақ қўйишади. Опа бу ададсиз кенгликларда яшаш осон эмаслигини яхши билади. Турли тadbирлар сабаб сўлим шаҳар ва қишлоқларда бўлганида, айниқса, пойтахтда ўтказиладиган йиғинларда қатнашганида юраги бир орзиқиб кетади. Бунинг устига, яхшигина жойларга ишга таклифлар ҳам бўлди. Лекин у бу хусусда на эрига, на овулдошларига бир сўз демади, дея олмасди ҳам. Ҳатто бу ҳақда ўйлаганида ўз-ўзидан уялиб кетади. Ахир, атрофида худди ўзи сингари тўрт мучаси саломат, ақлу идрокли юзлаб кишилар тенг шароитда умргузаронлик қилаяпти-ку? Унинг бошқалардан қаери ортиқ ёки кам? Шу андиша уни биёбоннинг ёзги гармсел шамолларию қишки қирчиллама совуқлари билан олишиб, яна ёниб, яшариб меҳнат қилишга ундайверади.

Яқинда у қизини узатди. Қудаси таглик-туглик, ёлғиз ўғлига атаганлари кўп эди. Одатларига кўра қайнона келинининг қўлига тилла узук тақиб кўришиши лозим. "Кўпнинг ичида бу даҳмазанинг кераги йўқ, — деди опа қудайини бир четга имлаб. — Қолаверса, бошқа кўни-қўшнилари ҳам киз чиқариб, ўғил уйлашади. Уларнинг бунга қурб етмаса ўқинишади. Менга уят бўлади. Маҳалла фаоллари қаториданам. Тўйларни камчиқим қилиб ўтказиш ҳақида ҳукуматимиз томонидан, қолаверса, маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш идоралари, маҳалла-кўй ибратли саъй-ҳаракатлар қилиб турса-ю, бу ёқда бизга ўхшаган фалоллар амал қилмасак, эл-юрт кулади-ку!.. Аслида? турли сарпо-суррукларни таомилга киритган ҳам ўзимиз. Бир-биримиздан озгина андиша қилсак, яна ҳаммаси измига тушади..."

Бир йилча бурун Европа давлатларидан бирига ўқишга кетган танишимни кўриб қолдим. "Энг ачинарлиси у ерларда одамлар ўртасида андиша, ҳаё деган хислатларнинг камайиб кетгани экан, — деди у гурунг орасида. — Йигит-қизларнинг кўпчилигини эрталаб уйларида чикиб дарсга келишартириш ёки кўча-кўйданми ажратиш қийин. Пала-партиш қийимда. Нонушта ҳам қилиб-қилмаганидан ранглири бир алфозда, ўзларини тутишларини айтмайисизми?! Шунда ўзбекларни соғиниб кетасан киши..."

Ха, кўнча чикишдан олдин нега кўзгу ёнига борамиз?! Бу ҳам ўзгаларга хурмат, андишанинг белгиси эмасми? Эгни-мизга озгина гард кўнса, ташвишини чекамиз, нега? Атрофимиздагиларнинг нигоҳларини қизганганимиздан. Андиша бизни ана шундай тергаб, ўнгу сўлимизга назар ташлатиб турувчи кучдир. У ана шундай турли кўринишларда хатти-ҳаракатларимизни гўёки назорат қилиб туради.

...Эсимда, телевизорда "Тоҳир ва Зухра" ёхуд ҳинд фильмлари намойиш этилса, катталар ўтирган унинг деразасидан мўралаб томоша қилардиқ, дердилар онам. Улар биз томонга қараб қолгудек бўлишса, юрагимиз қинидан чиқиб кетгудек бекинишга жой излардиқ... Наҳотки, орадан ўтган ўттиз-қирқ йил бизни андишадан шунчалар узоқлаштирди? Йўқса, аввал-охир кўринмаётган турли хилдаги турк ва бошқа миллатларга хос, акс ҳолда, халқимиз руҳиятига бутунлай ёт бўлган ишқий сериалларни бир оила бўлиб, дастурхон атрофида кўриш, муҳокама қилишгача бўлган йўлни босиб ўтиб кўярмидиқ?! Хаёлларимизни ўғирлаб, ҳатто баъзан тушларимизга кириб чиқадиган бу томошалар охир-оқибат кўнглимиздаги энг бегубор туйғулар қаторида андиша аталмиш кўрғонимизнинг ҳам бузғунчисига айланмаётганими-кан? Ха, ана шу кўриқбон айрим йилларда ярадор бўлгани учун ҳам маънавияти-

миз, маданиятимизга дахлдор жиҳатлар хусусида бот-бот бонг уряялмиз. Афсуски, бу чикишларимиз ақсарият ҳолларда ўз эгасига етиб бормапти ёки эгаси буну ўқишга, ўқишга жоэпти.

Биргина мисол: ёшларимизнинг кийиниши мавзусида оммавий ахборот воситаларида қанчалаб чикишлар қилинди, жойларда давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Кийиниш маданиятининг маънавий, ҳатто тиббий жиҳатлари хусусида ҳам асосли далил-мисоллар келтирилди. Демакки, мавзу давомийликни талаб этаяпти. Балки ана шу талабни англашнинг ўзида ҳам ҳикмат бордир?!

Яна ўша Европада қайтган танишимнинг гапларини эсламан: "...Ёшлар ҳаётидаги бу пала-партишлик ҳеч қимни ташвишга солмайди. Гўёки шундай бўлган-у, шундай бўлиши керакдек. Бу



АНДИША: узоқлашиш узилишга уланмасин

дунёда фақат Сен борсан-у, қандай истасанг кўнглинг тусаганича яшайверасан..." Кўнгли тусаши. Аслида, кўнглининг хоҳиши ҳам маънавият, ўша биз айтган андишадан сув ичиб турмайди-ми? Баъзида хаёлимиздан ўтган ўйдан уялиб кетамиз. "Ношукрлик қилдиммикан?" деган хижиллик пайдо бўлади юракда. Нега? Балки андиша галаёнга тушар шунда? Секингина сергалантириб кўяр бизни.

...Яқшанба кўни эди. Бозорлик қилиб қайтаётсам, рўпарамиздаги уйнинг йўлага карнай-сурнай чалинаёпти. Ёш-ўланг рақсга тушаёпти.

— Кўни-қўшни ўртасида андиша кўтарилди. Эссиз, энди улар олдингидай бир-бирини суяй олишармикан? — деди қаршимдан чиққан онахон бош чайқаб. — Эшикма-эшик ҳамсоясининг келини кечагина гўдагини тупроққа топшириб қақшаб қолди-я! Бугун буниси чақалогини кўз-кўз этиб ўйин-кулгу қилиб ўтирса. Яхши кўннинг шукронаси қочиб кетармиди? Ўйлаб қолсан киши: демак, андишада меҳр-муҳаббатни тутиб турувчи кудрат ҳам бор. Кеккайиш, худбинлик, ўзибўларчилик кусурларининг илдизини қирқишдек куч ҳам жам унда. Балки шу нуқтада андиша оёққа турганида янги меҳмон уйига кириб кетганини ҳам ҳеч қим сезмай қолармиди?

Автобус силкиниси билан ўриндиқда бир-бирига гап бермай келаётган қизлар хандон отиб кулиб юборишди. Ўғирлиб қарадим. Дугоналардан бирининг қўлида кўзгу, ҳафсала билан ўзига оро

МУЛОҲАЗА

берар, ногаҳоний силкинишда киприги-га суртилаётган буюк юзларига чапланди кетган эди. Автобус тибранд. Уни ўнлаб нигоҳлар кузатиб кетаяпти. Бейхитёр ўша телевизорни отасидан беркиниб, деразадан мўралаб томоша қилаётган онам тенгиларнинг ёшлиги билан қизнинг ҳолатини таққослайман. Тўғри, биз катта ривожланиш босқичини босиб ўтдик. Турмуш тарзимиз юксалди. Балки қарашларимиз ўсгандир, фикрлаш доирамиз кенгайгандир. Лекин бу маънавият аталмиш оламимизга пугур етказишдек йўқотишларга ҳеч қачон изн бермаслиги керак-ку! Ўзбек қизлари бугун халқаро спорт ва бошқа илм-фан мусобақаларида муносиб ўринларни эгаллашаётганини кўриб, эшитиб қувониб юрибмиз.

Аммо ҳар қандай марра — ибод, ҳаё каби айрим миллатлар тасаввур ҳам эта олмайдиган, маънисини қақиб ҳам кўра билмайдиган гўзалликларимизни босиб ўтолмайди, четга суролмайди.

...Маҳалламиздаги дўқонда навбатда турибмиз. Ҳамманинг вақти эиқ. Ҳар кимнинг ўз ташвиши бор. Шу пайт башанг кийинган бир аёл ҳеч қимга бурилиб ҳам қарамай, пештахтага яқинлашиб, сотувчидан бошқалар олаётган нарсани беришини сўради. Кимдир норози оҳангда пичинг отди, кимдир гашланди. Лекин у "хужжатим бор..." деганча қандай кирган бўлса, шундай чиқиб кетди. "Вой, мана бу киши ҳам фалон жойда ишлайди. Гўвоҳномангизни кўрсатинг", деган эди бир аёл, ёнидаги йигит ўзини четга тортди-да: "Опа, мен ҳам бир одамман. Хужжат иш юритиш учун берилади..." деди қизарганча. Ҳа, бу норизо оҳангда андиша юз кўрсатди. Икки харидор. Ўзини бошқалардан устун қўйиш-у, ҳатто мансабу мартабани сунистеъмом қилиш андиша аталмиш халоскор кушандаси эди бу аёлнинг сурату сийратиди. Бу кушанда бугун унинг жонига ором бераётгандир, гўё голибу уddaбурун қилаётгандир. Лекин бир кўни у ҳузур-ҳаловатини ҳам мекиришга ўтади. Чунки азаллий ҳаётий қонуният шундай: андишасизлик аввал оёқни ердан узади. Сўнгра эса руҳ бирла вужудни ерпарчин қилади.

Андишасизлик соҳибига қанчадир роҳат бағишлар, унинг жони осуда яшашига қай маънонадир кўмаклашгандек бўлар, аммо бора-бора ёвга айланади у. Зеро, "эқка-нни ўрмоқ" нақли ҳеч биримиз ва ҳеч бир ҳаракатимизни жавобсиз қолдирмайди. Қачондир, кимларгадир қилинган яхши-ёмон муносабатлар, ундан бўлмаса ўзгандан зиёдаси билан қайтавераси. Балки шу боис, адаб инсоннинг бебаҳо бойлиги саналади. Андиша — адабнинг жон томири, ажралмас бир бўлаги.

Андиша бу — ўзимизни қайсидир маънода англамоқдир балки... Демакки, андишадан йироқлашмоқ ўзбекчиликдан узоқлашмоқдир. Андишасизликнинг суратини жуда кўп чизгиларда кўрсатмоқ мумкин. Халқимизда "кўрнамаклик" деган гап бор. Андишасизликдан ана шу ношукрликнинг ҳиди келади. Айниқса, бизнинг халқда бу кусур қаттиқ қораланган. Ватанинг боғига битта ниҳол ўтказган жон шу амал насиб этгани учун ризолар бўлган. Узун, бегубор осойишта кўннинг хурмати, ҳаққини адо этиш фарзига катта андиша билан қаралган. Давр ўзгариши, жамият тараққий этиши мумкин. Лекин ўзбекчиликка хос бу қараш ўша-ўша. Аслида, ривожланишлар замирида, унга олиб борувчи йўлда ана шундай муносабат, меҳнатлар жам. Аммо кимдир пайқаб, кимдир сезмаётгандир, кимдир ташвиш чекиб, кимдир пинагини ҳам бузмаётгандир-у, андиша ва бизнинг ўртаимиздаги масофа узоқлашгандан узоқлашиб бораётгандек. Токи бу узоқлашиш узилишга уланмасидан бурун жиддийроқ ўйлаб кўрайлик: андишалимизми? Сиз нима дейсиз?

Ойбуви ОЧИЛОВА



ЛАГАН — тилимизда қуюқ овқат солинадиган катта ясси идиш маъносини англатадиган бу сўзнинг туб илдизи, Ўзбек тилининг этимологик луғатида изохланишича, «лагун»дан келиб чиққан. Қадимда «лагун» сўзи «ёғочни ўйиб ясалган идиш» деган маънони билдирган.

ТУГМА — бу сўзнинг бугунги қундаги маъноси ҳаммамизга маълум. «Тугма» сўзининг пайдо бўлиши ҳам Ўзбек тилининг этимологик луғатида шундай изохланган: «тугун солиб боғла» маъносини билдирган «ту» феълидан -ма қўшимчаси билан ясалган. Демак, қадимда тугма тугунча шаклида бўлган.

СОҒИНИШ — Бу сўзнинг асл маъносига эътибор қилсангиз, тарихини яхшироқ ҳис этасиз. «Соғинди» сўзи ўзининг илк даврларида «бирровнинг гамини еди» деган маънони билдирган. Дарҳақиқат, бу сўз ҳозир ҳам биров учун куйиниш, бирров учун интилиш мазмунини англатади.

СУПРА — тилимизда хамир ёйиш, нон яшаш учун ишлатиладиган дастурхонга ўхшаш рўзгор буюми маъносини ифодалайдиган «супра» сўзининг туб илдизи «очди» деган маънони англадади.

АХЛОҚ — тилимизда муомала, хатти-ҳаракат одоби, яхши тарбия кўриш каби маъноларни ифодалаб келадиган «ахлоқ» сўзи, аслида, «хулқ» сўзининг кўплигидир. Ўзбек тилининг этимологик луғатида изохланишича, «хулқ» сўзининг туб илдизи «лойиқ бўлди» деган маънони англаган.

Аслини олганда ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги.

Газетадан
Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Тақабурликни бошдан ошириб ташла. Тавозега қаттиқ амал қил, унга ўзингни яқинлаштир.

Кимда ким манман деб, ўзини баланд тутса, уни на халқ, на тангри севади.

Амал (ўйлов) деб айган нарсам, эй дўст, бу кўп ўйлашдир. Сен кўп ўйлашиб ўтирма, амал қил!

Аҳмад ЮГНАКИЙ

Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Мелибоева Мамлакат Мустафоқулловнага берилган O'R-A 1731739 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Гамбургер, сендвич, пицца, хот-дог... Корин очлигида уларни тасаввур қилишнинг ўзиёқ ҳар қандай кишининг иштахасини қўтиқлайди: ҳам тез тайёрланади, ҳам арзон! Ҳўш, бу таомларнинг бизни ўзига оҳанрабодек тортишига сабаб нима? Уларнинг фойда-зарари қай даражада?

...Бир дугонам билан бозорда айланаб юриб, ўнлаб йигит-қизлар навбат кутиб турган «дўконча» қаршисида тўхтадик. Жел, яхшиси, шу ердан биттадан хот-дог еб кетайлик, ҳам вақтимиз тежалади, ҳам ишимиз тез битади», деди-да, бўш жой излай кетди. Бозорнинг ичкариси эмасми, тумонат одам ўтиб қайтаётган жойда атиги уч донагина стул қўйилгани боис кўпчилик тик туриб овқатланарди. Бу ҳолат менга жуда эриш туюлди. Лекин бошқалар эса беларво, юзларига кетчуп, майонез чаплаганча хот-дог тановул қилишар, ҳатто баъзилар устбошига тўкилган помидор сувиغا ҳам аҳамият бермасди. Йўл-

турмуш тарзини кўпроқ тарғиб этиш ташаббуси билан чиқилган, дейилади мақола сўнггида.

Тўғри, шиддат билан одимлаётган ҳозирги тараққиёт замони ҳар биримиздан тезкорликни талаб этади. Кун давомида барча юмушларга улгуришимиз



ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

Ҳар қандай ҳолатда, айниқса, ишим тигиз пайтдаям бемалол тамадди қилиб, кейин ишга киришаман. Фаст фудларни эса татиб ҳам кўрмаганман. Нега десангиз, уларнинг фойдасидан кўра зарари кўплиги ҳақида ўқиганман. Нима дейсиз, майли, ҳар кимнинг инон-ихтиёри ўзида, таъби тортибдими, еяверсин. Буни бировга мажбурлаб едириб ҳам ёки, аксинча, тақиқлаб ҳам бўлмайд.

Ботир Раҳимов, Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази шифокори:

— Фаст фудлар, яъни тез тайёрланадиган таомлар республикамизда ҳам оммавийлашши табиий жараён ҳисобланади. Негаки, уларга аҳолининг эҳтиёжи катта. Бу масаланинг бир жиҳати, лекин иккинчи, асосий томони ҳам борки, бу ниҳоятда муҳим омил — ана шу фаст фудларнинг тайёрланиши ҳамда сотилишида санитария-гигиена ҳолатларига қай даражада риоя қилинаётганидир. Мабодо мавжуд қондалар

кўпол тарзда бузилган бўлса, ҳуранданинг овқатланиш тизими бузилиши билан бирга, турли касалликларнинг келиб чиқиши ҳам мумкин. Айниқса, ёз фаслининг жазирама ҳавоси хот-дог, гамбургер, чиз-

бургер сингари таомларга солинадиган салатларга ҳам бир мунча таъсир кўрсатади, яъни таркиби бўзилган. Айрим сотувчилар эса ўз моддий манфатини ўйлаб, уларнинг сифати-га эътибор ҳам бермайди. Оқибатда, қон айлиниши, юрак, ошқозон ва жигар билан боғлиқ кўплаб хасталиклар юзага келишига сабаб бўлади. Шунинг учун бундай таомларни тайёрлайдиган ошхона-кафеларда бинонинг табиий ҳамда сунъий ёритилиш даражаси санитария қоида ва меъёр талабларига мос келиши, сунъий шамоллатиш тизимига эга бўлиши ҳамда, энг асосийси, ярим тайёр маҳсулотларни музлатгичда сақланишига жиддий эътибор қаратилиши шарт. Ўз навбатида, юртдошларимиздан мавжуд қонун-қоидаларга тўла жавоб бермайдиган жойларда тайёрланган, сифати кафолатланмаган фаст фуд ёки қўлбола, энгил таомларни имкони борича истеъмол қилмасликларини сўраймиз.

Камола АХМЕДОВА

ФҲДЁ ФАОЛИЯТИ

Меҳрингизни дариф тутманг

Инсон учун бу дунёда фарздан азизроқ неъмат бўлмаса керак. Ота-оналар эса бир умр ўз ворисларининг бахтиёр чехрасини кўрмоқни, шўх-шодон кулгусини эшитмоқни орзу қилади. Бугун озод ва обод юртимизда ҳар томонлама соғлом, баркамол авлод униб-ўсаётгани ҳар биримизни янада қувонтиради.

Маълумки, кейинги даврда болаларга дунё миқёсида муносабат ва эътибор бутунлай ўзгарди. Энди улар ҳам кафолатланган ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларга эгадир. Бу борада 1989 йили БМТ болалар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи халқаро конвенция қабул қилгани эди. Бу муҳим ҳужжатга Ўзбекистон ҳам қўшилган. Мамлакатимизда келажагимиз эгаларига давлат миқёсида гамхўрлик қилиш, эътибор кўрсатиш янада қучайтирилган. Уларнинг соғлом вояга етишлари, илм олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги конвенцияда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Оила кодекси ва бошқа кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларда батафсил баён этилган. Жумладан, Оила кодексида ота-она ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармагани учун уларга нисбатан ҳуқуқий санкциялар: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилиш, алиментни суд тартибда ундириш каби чоралар белгиланган. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз болаларга алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахслар, Оила кодексининг 79-моддасига асосан, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жинодий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ота-оналик мажбуриятини бажаришдан, вояга етмаган болаларга алимент тўлашдан бўйин товлаган, уэрсиз сабабларга кўра боласини туғруқхонадан ёки бошқа даволаш, тарбия масканларидан олишдан бош тортган болаларга шафқатсиз муомала қилган, муттасил ичкиликбозлик, гиёҳвандликка мубтало бўлган, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилган шахслар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Отанинг вояга етмаган болага алимент тўлаши уларнинг бирга яшайдиган, ўзаро никоҳда эканидан, боланинг улар билан ёки улардан бири билан бирга яшаш-яшашмаслигидан қатъи назар шартдир.

Ҳаётимиз давомчилари бўлган болаларга гамхўрлик қилиш, меҳр-муҳаббат кўрсатиш нафақат давлат, ота-она, маҳалла-қўй, қўйинги, ҳар биримизнинг шарафли ва масъулиятли бурчимиздир.

Эътиборхон БҶУНОВА,
Тайлоқ туман ФҲДЁ бўлими мудир.

FAST FOOD:

СОҒЛИҚҚА

зарарми ёки?..

Йўлақай кузатдим, худди шундай "бир зумда"лик жойларнинг аксариятида мен кўрган манзара эди...

Яқинда интернетда эълон қилинган бир мақолани ўқиб ёқамни ушладим: Англия соғлиқни муҳофаза қилиш институти тадқиқотчиларининг бугун маълумотига кўра, ҳар йили 40 минг нафар британиялик фаст фуд (тез тайёр бўладиган овқатлар)лар қурбони бўлар экан. Тасаввур қилаёйсизми?! Мутахассислар ёмон овқатланиш мамлакат иқтисодийётига катта талафот етказётганини таъкидлаш билан бирга, бундай турдаги носоғлом озиқ-овқатларга тегишли тартибда иқтисодий чеклов таъбиқ қилишни тавсия этмоқдалар. Шунингдек, беш миллионга яқин британияликнинг юрак-қон томир касалликларига чалинишига ҳам айнан фаст фудлар сабабчи эканидан хавотир билдирилган ва ҳукуматга мамлакат миқёсида туз ва ёғ билан бойитилган маҳсулотларни сезиларли даражада камайтириш ҳамда иқтисодий соғлом

зарур. Замонавийлашган сари эҳтиёжларимиз ҳам шунга яраша ортиб бораёпти. Баъзан овқат ейишга ҳам вақт тополмай қолган пайтларимиз бўлади. Лекин шошқалоқлик ёки асабий ҳолатда қорин тўйгазиш ҳар қандай инсоннинг ҳаётини хавф остига қўйиш билан баробар эканини унутмайлик.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида айрим юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларига ҳам қизиқдик.

Наргиза Йўлдошева, магистрант:

— Айримлар фаст фудни калорияси кучли овқат дея ҳисоблайди. Бу нотўғри. Лекин ўзимизнинг ош, манти, норинларимиздан кўра ҳазми энгил ва қулайлиги учун кўпчилик хўш кўриб, истеъмол қилади. Масалан, менинг ўзим ҳам кўпинча шошилган пайтларим хот-дог олиб, йўлда ҳам еб кетавераман. Зарарини ҳозирча билмадим.

Ботир, тадбиркор:

— Йўқ, мен ҳеч қачон кўча-кўйда шоша-пиша дуч келган овқатларни еб кетавермайман.

бурғер сингари таомларга солинадиган салатларга ҳам бир мунча таъсир кўрсатади, яъни таркиби бўзилган. Айрим сотувчилар эса ўз моддий манфатини ўйлаб, уларнинг сифати-га эътибор ҳам бермайди. Оқибатда, қон айлиниши, юрак, ошқозон ва жигар билан боғлиқ кўплаб хасталиклар юзага келишига сабаб бўлади. Шунинг учун бундай таомларни тайёрлайдиган ошхона-кафеларда бинонинг табиий ҳамда сунъий ёритилиш даражаси санитария қоида ва меъёр талабларига мос келиши, сунъий шамоллатиш тизимига эга бўлиши ҳамда, энг асосийси, ярим тайёр маҳсулотларни музлатгичда сақланишига жиддий эътибор қаратилиши шарт. Ўз навбатида, юртдошларимиздан мавжуд қонун-қоидаларга тўла жавоб бермайдиган жойларда тайёрланган, сифати кафолатланмаган фаст фуд ёки қўлбола, энгил таомларни имкони борича истеъмол қилмасликларини сўраймиз.

«ЗУККО» НТМ ўқув маркази

сизларни замонавий турдаги ўқишларга таклиф этади.

- 1 ойлик ўқиш. Тезкор гуруҳлар**
Оилада биринчи ёрдам — 105 000 сўм.
Уйғур таомлари — 40 000 сўм.
Тортларни олий даражада безатиш — 60 000 сўм.
- 2 ойлик ўқиш**
Европа ва миллий таомлар 1 ой учун — 40 000 сўм
Қандолатчилик 1 ой учун — 35 000 сўм
Элита парда ва чойшаблар 1 ой учун — 35 000 сўм
Компьютер 1 ой учун — 40 000 сўм.
Сартарошлик 1 ой учун — 35 000 сўм.
Қўлда тўқиш 1 ой учун — 35 000 сўм.
- 3 ойлик ўқиш**
Оилада биринчи ёрдам 1 ой учун — 35 000 сўм
Рус тили 1 ой учун — 35 000 сўм.
Инглиз тили 1 ой учун — 35 000 сўм.
Бухгалтерия 1 ой учун — 50 000 сўм.
Электр асбоб-ускуналарини созлаш 1 ой учун — 50 000 сўм.
Бичиш-тиқиш 1 ой учун — 35 000 сўм.

Терминал бор Гувоҳнома 000047

Манзил: Тошкент шаҳри «Тинчлик» метро бекати ёнида.
Тел: 242-36-71
Хоразм вилояти Урганч шаҳри. Тел: (+99862) 221-68-23
Кўқон шаҳри Фуркат кўчаси. Тел: (+99873) 737-44-14

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

- қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:
- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ой ўқиш.
Ҳамшира (тезкор) — 3 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 2 ой, Нуктали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.
Уйғурча, Европа таом ва салатлар — 1 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Педикюр, маникюр — 1 ой.
Сартарошлик — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Каша-чилик — 3 ой (машинчада вышивка).
Тўқувчилик — 2 ой.
Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.
Барчаси амалиёт билан
Етоқхона мавжуд
Ўқиниш тугатганларга
ДИПЛОМ берилади.
- Манзил: Тошкент шаҳри Юнусов бод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусов бод дехқон бозори бош томони орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72 (18⁰⁰), 225-97-93 18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача.
ФИЛИАЛ
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Қуйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал Қуйлик киний бозори. Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (қундузи)

КЗИЛ ПАЛЬМА ЕФИ

Организмнинг А, Е витаминларига бир суткалик эҳтиёжини қоплатиш учун «CAROTINO» дан 1 ош қошиқ ичши кифоя.

Сиз ва фарзандларингиз учун табиатнинг бебаҳо тухфаси!

+99890 910-61-11

Ишланга ҳамкорликка таклиф этамиз.

ИНН рақами 204561520 бўлган "Elegance dying and printing CO" масъулияти чекланган жамияти
ИНН рақами 205849706 бўлган "Koko LiFE" масъулияти чекланган жамиятига қўшилишини маълум қиламиз (тел: 708-13-00)

«Ўзкоммуўкув-ташкilotчи» республика ўқув маркази «БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ» ўқув курсига таклиф қилади ўқиш даври — 1 ой

Манзил: Тошкент шаҳри Нийзбек йўли кўчаси, 1. («Минор» метро бекати)
Тел.: 234-17-08, 343-94-98

Баъзан нари борса уч-тўрт ойгина яшаган айрим келинлар даврасида бўлиб қолсангиз, суҳбат мавзуси беихтиёр қайноналар томон бурилади. Ажабки, улар орасида турли хил баҳоналарни рўқач қилиб, нолийдиганлари ҳам чиқади. Нима ҳам дердик, ҳар ким ўзича ҳақ. Хўш, ўз навбатида, қайноналар кўнглига қулоқ тутайлик-чи?

Келиндан кўнглингиз тўқми?

Ҳафиза ая, икки келини қайнона:

— Қайноналик — синов, дейишарди кўпни кўрган кексалар. Бу гапнинг жуда тўғри, топиб айтилганини ўз ҳаётим мисолида кўрдим. Аслида, бутунлай бегона бир муҳитда тарбияланган инсоннинг осмондан тушгандек бошқа бир оилга қўниқиши, сингиб кетиши осон кечадиган иш эмас. Масалан, менинг ўзим икки келин туширдим. Биринчиси соддароқ эди, меҳрибончилигини тўғри тушунди, ўғитларини қулоғига олди. Аммо кенжаси... Унга ҳам худди каттасига қандай муносабатда бўлган бўлсам, шундай муомала қилдим. Қизим, дедим, исмига хон қўшмай қақирмадим. Ўғлим баъзи ишлари учун хотинига танбех берса, мен келинимнинг тарафига бўлдим. Кўни-қўшнию қудаларимга ҳам яхшисини ошириб, ёмонини яшириб, мақтадим. Оқибати нима бўлди, деб сўранг мендан.

Бир куни кўчага сув олгани чиқиб ҳаяллаган кенжа келинимни қақариш учун дарвоза томонга юрдим. Ташқарида у уч-тўртта ҳамсоғнинг келинлари билан суҳбатлашиб турарди. «Қайнонам бир сўзимни икки қилолмайди, ҳаммасининг бурнидан ип ўтказиб олганман. Бирор нарса ёқмас, қовоғимни солиб оламан, шунда бечоранинг атрофимда айланиб-ўргилишини кўрсанглр эди...» Аввалига ишонгим келмади, шу гапларни менинг келиним айтаяптими, деб се-

кин қулоқ солдим ва ёқамни ушлаб ичкарига кириб кетдим. Лекин қулоқларимга сира ишонгим келмас, шайтон шартта олдига чиққин-да, қўшнилари ёнида изза қилсанг-чи, дейди, Раҳмон эса андиша қилишга, сал оғирроқ бўлишга ундайди...

Қайноналар ҳам она ўрнида она-ку! Улар бировнинг боласига беҳуда озор беришни ҳеч қачон истамайди деб ўйлайман. Келинларнинг эса ҳаммаси-



ни ҳам «оппоқ» деёлмайман.

Умидахон опа, ёлғиз ўғилнинг онаси:

— Бугун умримни ўғлимнинг камолига бағишладим. Унинг камлик кўрмай ўсиши, ўқиб одам бўлиши учун тиним билмай ишладим. Боламнинг воёга етганидан сўнг менга кўрсатган меҳрибончилигидан суюндим. Унинг учун чеккан машаққатларимга, ўтган умримга ачинмасдим. Аммо эрта қувонган эканман...

Ўғлим раъйимга қараб, мен танлаган қизга уйланди. Бир болам икки бўлганидан бошим осмонда эди. Хизматини

қилиб юрган келинимни кўриб, кўзим қувонарди. Ишдан қайтишда, албатта, бирор дўконга кириб, келинимга ширинлик олишни қанда қилмасдим. Биз доим шундай бахтли яшаймиш деб ўйлардим. Насиб этса, яқинда невараларим туғилади, бахтим янада тўкси бўлади, деб юргандим. Орадан олти ой ўтгач, келинимнинг қилиқлари чиқа бошлади. Нимадандир аразлаб, кун бўйи уйдан чиқмайдиган одат чиқарди. Ёзилиб гаплашмайди. Ўғлим ишдан қайтгач, узоқ тортишиб қолишарди. Сабабини сўрасам, болам ҳам очик айтмасди. Мен уни сабрли бўлишга ундардим, келинимнинг ҳомилидорлиги учун инжиқ бўлиб қолганини, бу хол тез орада ўғиб кетишини айтиб, тинчлантирдим.

Аммо кейин билсам, гап бутунлай бошқа ёқда экан. Бир кун ишдан қайтсам, ўғлим ёлғиз ўтирибди. Келиним уйда кўринмади. Нима гаплигини сўрасам, «Онасиникига кетди, энди у билан яшамайман», деса бўладими. Қотиб қолдим, ва: — Нафасингни ел олсин, болам, нега кетади? Айб сенда, қаттиқ гапир-гапирсан-да? — деган эдим, у бор гапни айтиб берди.

— Ойижон, кўнглингиз синмасин деб сизга айтмай келаётвудим. У сизни жуда ёмон кўради. Буни келин бўлиб тушганининг биринчи ҳафтасидаёқ очик айтганди. Сизни ёқтирмаган хотин билан яшамайман! Яшолмайман! Ахир, сиз унга ҳеч қандай ёмонлик қилмадингиз-ку! Шунақаям нонкўр бўладими? — дея ўғлим жигибйрон бўлди.

Бирор бошимдан бир пақир сув қуйгандек бўлиб кетди. Бўшашиб ўтириб қолдим. Ҳамма орзуларим, келинимга бўлган меҳрим бир зумда тасмадек тарқаб кетди. Шунда ҳам ўзимни босиб, хотиржамлик билан ўғлимга насиҳат қилдим:

— Кўявер, бошқоронгликда ҳамма-ям кимнидир ёмон кўриб қолади. Бун-

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

дан сира фожиа ясама. Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади, шайтонга ҳай бер, болам, ўзим уйларига бориб олай келаман, — дедим-да, чиқиб кетдим.

Шу кунидек яхши гапириб, уйимга етаклаб келдим. Эшитган яхши-ёмон гаплар ҳақида ҳеч нима демадим. Ўғлимга эса: «Келин айтган гаплардан афсус чекди, мендан кечирим сўради. Мени ранжимасин десанг, ўтган гапларни кўзгама, тинч яшагин», деб ёлвордим. Шундоқ ҳам уларнинг холи яшашлари учун имконият туғилаётгани, яъни мени аввалроқ вилоят марказига ишга тақлиб қилишганида кўнмаган эдим. Эртаси куни раҳбарим хузурига кириб, розилик билдирдим ва Наманган шаҳрига жўнаб кетдим. Мана, икки йилдирки, ўғлим ва набирамдан олисдаман. Уларни соғинаман, тушларимда кўрган куним энг бахтли кун мен учун. На илож, поёнага ёзилгани шу экан-да...

Муқаддас ая, тўрт келиннинг қайнонаси:

— Келинларга аввал бошданок қаттиққўл бўлиш керак. Салгина бўш келдингизми, бошингизга чиқиб олади улар. Тўрт келиним бор, ҳаммаси хурматини ўрнига қўяди. Эҳтимол, чўчиб туришгани учун шундай қилишар, нима бўлганда ҳам, ҳали орамиздан ноҳўя гап ўтмади. Уларни туширган илк кунимдаёқ ёнимга ўтказволиб, айтганман: «Шу уйд палак ёзмаман десанг, қайнотангни, эрингни ва мени хурматини қилсан. Шундангина ўзан ҳам иззат-икром кўрасан. У даги гапни кўчага чиқарганинг билсам, бу ерда бир дақиқа ҳам турмайсан. Оғир иш қилдирмайсан, фақатгина келинлик, аёллик, она бўлсанг, оналик вазифангни бажариб қўйсанг бўлгани. Биз нима есак ейсан, нима қийсақ қийсан!» Тўғри, бошида бу гапларимни эшитиб, сал оғринганларини ҳам сездим, лекин ётиги билан насиҳат қилдим, тушунди. Мана, энди ҳаммаси тинч-тотув, тўй-томошалар қилаёпти, ўзлари хоҳлаганча кийинаяди. Қудаларим ҳам хурсанд.

«Оила ва жамият» муҳбири Шахло ТОШБЕКОВА ёзиб олди.

Иллатнинг илдизи...

ичкилик ва бекорчиликда эканини Зафаробод туманида содир бўлган жиноят яна бир бор тасдиқлади

...Суднинг қора курсисида бош эгиб ўтирган судланувчилар Ҳасан Ропиев, Фаррух Юсупов, Зафар Раҳмонов, Жамшид Махидов, Камолддин Аҳмедов 20 дан 25 ёшгача бўлган йигитлар. Тогни талқон қилгудай қучлари бор. Лекин шу пайтгача тайинли жойда ишлашмаган. Боз устига спиртли ичимлик истеъмол қилишга ружу қўйишган.

Бир куни Жамшид Махидов ўзи яшайдиган маҳалладаги маъракада С.Синдоров номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини худудда истиқомат қилувчи Х.Примкулованинг уйда иккита «Нексия» сотиб олишга етадиган пул борлигини эшитиб қолди. Шу куни кечки пайт у бу хабарни ишшолаш Камолддин Аҳмедовга етказди. Ичкиликдан сархуш йигитлар кўнглида бир зумда мўмай пулнинг эгаси бўлиш истаги уйғонди. Аммо қандай қилиб шунча маблағни қўлга киритиш мумкинлиги уларни қаттиқ ўйга толдирди. Шундан сўнг икковлон муқаддам судланган танишлари Ҳасан Ропиев билан маслаҳатлашиб олишга келишишди. Бу борада анча-мунча кўзи пишиб қолган Ҳасан жиний гуруҳи ишга Зафар Раҳмонов билан Фаррух Юсуповларни ҳам тортиди. Шу тариха бешовлон талончилик, босқинчилик ва зўравонликка асосланган ўғирлик «режа»сини обдон пиштиб олди.

Жиноят рўй берган куни кеч-



ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

га яқин Фаррух Юсупов ва Зафар Раҳмонов режа бўйича Ҳасан Ропиевнинг уйига келади ва учаласи бўлажак ишнинг муваффақиятли амалга ошиши учун ароқ ичишади. Сўнг тунги соат бирлар чамаси Зафар қора рангли спорт шапкасини, Фаррух эса қора рангли рўмолчасини юзларига никоҳ қилишиб, қўлларидан олдиндан тайёрлаб қўйилган таёқ билан девор ошиб, Х.Примкулованинг ҳовлисига киришади. Ҳасан эса девор устида кўча тарафини кузатиш учун қолади. Бу пайтда уй эгаси Х.Примкулова икки ўғли ва жияни билан ҳеч нарсадан беҳабар ухлаб ётишганди. Тўсатдан бошига тушган кетма-кет зарбалардан хонадон соҳибаси уйғониб кетади ва ўрнидан сапчиб турганича босқинчиларга қаршилиқ кўрсата бошлайди. Шу аснода босқинчиларнинг бири иккинчи-

сига «Қаттиқроқ ур, хушдан кетсин» деб юборади. Буни аниқ эшитган жабрланувчи жон ҳолатда таёқ тутган босқинчининг юзига чанг солади ва никоҳини юлиб олиб, уй ичкари-си қоронғу бўлишига қарамадан «Танидим сени, аниқ танидим», дея қичқиради. Шовқин-сурондан нариги хонадаги болалар ҳам уйғониб кетади ва кўни-қўшилар хабар топиб югуриб чиқишади. Вазиятнинг бундай қалтис тус олишини кутмаган босқинчилар воқеа жо-

йдан қочиб қолишади. Кейинги тафсилотлар эса ҳар қандай босқинчилик, зўравонлиқнинг ҳам охири вой бўлишини, жиноятга эса жазо муқаррар эканини яна бир бор исботлади. Қилини қирқ ёришга қодир ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг сай-ҳаракатлари натижасида жиноят икки кун ичидаёқ фош этилди.

Тўғри, шу ўринда кўзланган жиноят, яъни босқинчилик йўли билан катта миқдордаги пулни ўғирлаш ҳолати содир этилмай қолади. Бунга жабрланувчи томонидан босқинчиларга кўрсатилган кескин қаршилиқ, кўни-қўшнилари ҳамжихатликда ёрдамга шошилгани ҳақиқат берди. Аммо Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги «Ўзгалар мулкни ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан

талон-тарож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг (шу қарорга Олий Суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) 5-бандида «...босқинчилик жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ҳужум бошланган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади», дея белгилаб қўйилгани учун жиноятчилар ва уларнинг ҳамтовоқларига босқинчиликдаги ишлари ҳақида кўра беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди...

Қилмиш-қидирмиш, деганларидек, жиноятчилар тегишли тартибда жазога тортилди, адолат қарор топди. Аммо масаланинг бошқа бир жиҳати кишини ўйга толдиради. Шу ёшда суднинг қора курсисидан жой олган йигитларнинг ота-оналари наҳот ўз фарзандлари қандай қабих ишлар билан машғул эканидан беҳабар бўлишса? Уларнинг ярим тунда ҳам уйга қайтмаганликлари сабабларини, нега шу ёшданок бекорчиликка ўрганиб, ичкиликка муқкасидан кетганликларини билишармикин? Унда нега йигитларни бу қалтис йўлдан қайтариш чораларини кўришмади? Маҳалла-қўй, кўни-қўшнилари-чи?

Бу каби саволлар кўп, уларга жўяли жавоб топиш эса мушкул.

Жавлон ЖАББОРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Дўстлик туман суди раиси,
Донугул ЖўРАЕВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Бошидан ўтганнинг қошидан ўт

Конимех туман ФХДё бўлими «Қариндошга қиз берман» шиори билан ўтказган очик мулоқотда «Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ туғма ва ирсий хасталиклар асосидир», «Туғма нуқсонлари бўлган болалар туғилишининг олдини олиш», «Эрта никоҳнинг зарарли оқибатлари» каби мавзуларда фойдали маслаҳатлар тингланди.

Халқумизда «Бошидан ўтганнинг қошидан ўт» деган ибратли макол бор. Шу боис учрашувга қариндошга қиз бериб озги қуйган, ноғирон невараларга қараб ўз хатосини тушунаётган кекса отахон ва онахонлар ҳам тақлиф этилди. Уларнинг ҳаётий мисоллар асосида айтган гаплари, ўз тажрибасидан келиб чиқиб билдирган фикр-мулоҳазалари йиғилганларда катта таассурот қолдириди. Тадбирлар мана шундай жонли тарзда ўтса, таъсири ҳам, қамрови ҳам янада кенгаир эди, дейишди мулоқот иштирокчилари.

Туман ҳокимлиғи масъуллари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизими мутахассислари, маҳалла фаоллари, ҳуқуқшунослар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбир ўзига хос ҳуқуқий тарғибот анжумани бўлди.

Азиза ФАЙЗИЕВА,
Навий вилояти
Конимех туман ФХДё
бўлими мудир.

БИРОВНИНГ ЭРИ

Бу қизнинг истараси иссиқ, чиройлигина. Кимлар харидор бўлмас эди унга.

Аммо қиз шошилди. Ўйламай қадам босди ва қаттиқ қоқилди. Йиқилиб тушди. Юраги лат еди. Мухаббат, агар унинг туйғуси шундай аталса, кўзларини кўр қилди. Билиб туриб икки бо-

ланинг отасига турмушга чиқди.

“Эмишки, хотини ёмон йўлга кириб кетибди...”

“Эмишки, хотини касал экан...”

“Эмишки, хотинига кўнгли йўқ, аллақачон жавобини бериб юборибди...”

Киз ана шу “эмишки”ларга ишонди. Онаси: “Кўярда хотин ёмон, чиқарда — эр ёмон, ишонма!” деди. Аммо у ишонди. Онасига эмас, бегонага.

Хуллас, карнай-сурнайлар чалинди. Ёр-ёрлар айтилди. Киз келинлик либосини кийди. Кайнона ойижон бўлди, қайнота дадажон.

У кейин кўп нарсани билди: эрининг хотини ёмон йўлга кирмаганини, хали никоҳида эканини, соғломлигини. Онаси ҳақлигини... Дардини ичига ютди.

Орадан икки йил ўтди. Унинг бўйида бўлмади. Шифокорлар узок вақт даволашни лозимлигини айтишди.

Бировнинг эри эрлик қилмади. Икки оланинг қадрига етмаган нодон киши фарзанд кўрмаган аёлни қадрига етармиди? Уни даволатишни истамади. Жабини бериб юборди. Эркакка соғлом хотин керак эди. Олдинги хотини билан болаларини олиб келди.

Киз кўп эшикларни қоқиб, ёрдам

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИ

сўради. Бироқ энг яқин жигарлари ҳам қайрилиб қарашмади. Негаки, эр у аёлники, фарзанд у аёлники, никоҳ у аёлники. Ўз-ўзидан уй-жой ҳам уники эди. Қонун ўша аёлни тарафидан турганди. У эса ўзича муҳаббат деб аталган ёлгончи туйғу билан танҳо қолиб кетди.

НИҚОБ

У мансабга ўтирганида... юзидаги ниқоби йиртилиб кетди. Жуда хунук экан...

“ҲАҚИҚАТГҲЙ”

У ҳақиқатни бақриб излайди. Дод солиб излайди. Кўзига ўзидан бошқа ҳамма муттаҳам бўлиб кўринади. Одамларнинг юзига чанг солишдан ҳам тап тортмайди. Ҳақиқат излаб ҳали у идорага ёзади, ҳали бу идорага.

Ҳаммаёқни қоғозга тўлдириб ташлайди. На муомалани билади, на маданиятни.

Бироқ... ҳақиқатнинг ўзи уни кўргиси келмайди.

КИБР

У ўзини ҳаммадан устун қўяди. Баланд тутади. Унга тавозе қилишларини, илтифот кўрсатишларини истайди.

Кимдир уни писанд ҳам қилмайди. Кимдир қарсақ чалади. Кимдир юзидан ўтолмаса, бошқаси гийбатини қилади.

Курси уни ҳаволантирди. Мансаб уни ўзидан кетказди. Бироқ... курсидан йиқилиб тушса... кўлидан тортадиган топи-лармикан?


Лола ЎРОҚОВА

АЖАБ ОЛАМ

Ака-ука ва опа-сингил Гриммлар

Бир бор экан, бир йўқ экан. Якоб ва Вильгельм исмли ака-ука яшаган экан... Йўқ-йўқ, эртақ эмас, балки машҳур эртақчилар ҳақидаги қисқача маълумот келтирмоқчимиз. Якоб (1785–1863) ва Вильгельм (1786–1859) каттаю кичикка

номли китоблар серияси чоп этилган. Китоб персонажлари бўлмиш опа-сингиллар ўша эртақчи ака-ука Гриммларнинг авлоди бўлишади ва воқеаларда бугунги кунлар акс этади. Қизлар ўзларининг боболари яратган эртақ қаҳра-



монлари билан бугунги кун шариоитларида мулоқотда бўлишади. Негаки, уларнинг таъкидлашича, ака-ука Гримм қаҳрамонлари ўйлаб топилган персонажлар эмас. Шу боис уларни абадий яшовчи қаҳрамонлар деб ҳисоблашади. Қизлар бувиси билан биргаликда бу абадий яшовчилар билан боғлиқ турли криминал ишлар устида тергов олиб боришади.

Гримм эртақлари “Ака-ука Гримм эртақлари” тўпламининг муаллифларидир. Қизиги, аслида, бу ака-укалар эртақчи ҳам, эртақ ишқибозлари ҳам эмасди. Улар ўз даврининг машҳур лингвистика мутахассислари бўлишган. Эртақларни эса немис филологияси ва грамматикаси бўйича олиб бораётган илмий ишлари учун тўплашган.

Ака-укалар лингвист сифатида немис тилшунослигида илмий германистика йўналишининг асосчиларидан ҳисобланишади. Шунингдек, улар умумгерман этимологик лугатини ҳам тузиб чиқишган. 1852 йил бошланган бу лугат иши 1861 йил ниҳоятга етказилган ва кейинчалик секин-секин янада бойитиб борилган.

Гриммларнинг жуда кўп эртақлари экранлаштирилганини яхши биласиз. 2005 йили эса айнан уларнинг ўзлари ҳақида ҳам “Ака-ука Гриммлар” номли эртақ-фильм суратга олинган. Шунингдек, Америкада “Опа-сингил Гриммлар”

— “Опа-сингил Гриммлар” серияси тўққиз китобдан иборат бўлади, — дейди унинг муаллифи Майкл Бакли. — Айни вақтда саккизинчи китоб ёзиб бўлинди.

Китоб Нью-Йоркда бестселлерга, яъни энг кўп ўқиладиган, хариди қақсон китобга айланган. Китобда ака-ука Гриммлар образи қатнашмайди. Негаки, юқорида айтилганидек, воқеалар бизнинг давримизни акс эттиради.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

“Синфдошим Ваҳоб билан ёшликдаёқ бир-биримизга кўнгли кўйгандик. Мактабни тугатиб мен институтда ўқишимни давом эттирдим. У эса онасига қарашайди деб заводда ишлаб бошлади. Отаси ногирон, уч нафар синглиси бор эди. Ваҳоб ниҳоятда меҳрибон, тўғри сўз, мард бўлгани учун уни жудаям қаттиқ ҳурмат қилардим. Арзимас бўлса-да, улашган ҳар бир совғаси мен учун гоят қадрили эди. Минг афсуски, унинг умри қисқа экан. Тоққа чиққанида кутилмаган тасодиф туфайли оламдан ўтди. Шундан сўнг бошқа бирон йигитга кўнглим чопмади. Йилларни қарангки, оқар сув экан. 32 ёшимда ўзим билан бирга ишлайдиган аёлни укасиси бўлмиш Рустам деган кишига турмушга чиқдим. У хотини билан қонуний ажрашган экан. Икки қизи, бир ўғли бор эди. Лекин бахта қарши эрининг собиқ хотини ишонамга болаларини етақлаб келиб, мени холи-жонига қўймас, даярли ҳар куни йўлимга чиқиб жанжал қиларди. Охири хотиржам яшай олмаслигимга кўзим етгач, ажрашишга мажбур бўлдим. Ушанда ҳомиладор эдим. Орадан кўп ўтмай қизчали бўлдим, ҳозир у олти ойлик. Ёшим 34 да. Маълумотим олий. Ёшимга мос, иши тайин, иймонли, қизчамга оталик меҳрини бера оладиган инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.

САЛИМА, Сирдарё вилояти”.

“Кизим Гулбаҳорни бир дунё орзу-хаваслар билан Икромга узатган эдик. Кувимиз туппа-тузук, бўйи-баста келишган, хушмуомалали йигит эди. Одам олмаси ичида деганларидек, у ўтакетган қиморбоз экан. Оила-сида хайр-барақа бўлмади. Ҳар куни жанжал-тўполон. Асли қизимнинг Икромга турмушга чиқишига аммаси сабабчи бўлганди. Бечора қайнзгачим



ўзини айбдор ҳисоблаб, куйинади. Кимам ўз жигарига ёмонликни соғинади. Гулбаҳор бўлса, “Аммажон, сизнинг айбигиз йўқ, пешонамда бор экан” дейди. Улар қонуний ажрашганида қизим ҳомиладор эди. Неварам туғилди. Ҳозир ўғли Баҳодир беш ёшда. Ўзи олий ўқув юртида ишлайди. Уни кўзим очилигида бахтли турмуш қуришини чин дилдан истаيمان. Яқинда узок қариндошимиз ўғлига сўраб келди. Онасининг айтишича, келини бешта қиз туққани учун ўғлини қонуний ажратиб олганимиз. Шу гапларини эшитгач, унамудим.

Сизларнинг савобли ишларга сабабчи бўлаётганларингиз ҳақида эшитиб, охири мурожаат этапман. Гулбаҳорнинг ёши 31 да. Маълумоти олий. Хушрўйгина, қўлигул пазанда. Неварам ўзим билан қолади. 40 ёшгача бўлган, иймонли, инсоний фазилятларни қадрлайдиган, диёнатли йигит қисқа, хабар берсангизлар.

ЗИЁДА хола, Навоий вилояти”.

“Жамиланинг опаси қўшинининг келини эди. Шу жувоннинг қадами кутлуг келиб, бу хонадон файзли, баракали оилага айланди. Онам шу оёқ-қўли қаққонгина келиннинг синглиси борлигини эшитиб, қўшинининг холи-жонига қўймай совчиликка боришга кўндирди. Омадим кулган эканми, бир ой ичида тўйимиз бўлди. Лекин тақдирни қарангки, Жамила опасига сира ўшмас, аксинча, яъни ўзига бино қўйган, бетгачопар, уйим-жойим демай-диган экан. Шу орада ўғлимиз туғилди. Болага ҳам кўнгиладигидек қарамади, онамга ташлаб

қўйди. Бир куни ишдан келсам, “кетаман”га тушиб, кийимларини туғиб ўтирибди. Ўзининг айтишича, иккита акаси хорижда ишларкан, у ҳам шуларнинг олдига бориб, ишлаб пул топиб қайтармиш. Уни бу нијатидан ҳатто ота-онаси ҳам қайтаролмади. Бир яриш яшар ўғилчамни онамга ташлаб кетиб қолди. Шундан сўнг у билан қонуний ажрашишга мажбур бўлдим. Орадан кўп ўтмай, яхши бир оиланинг қизига уйландим. Бизлар ҳамма ҳавас қилгудек ниҳоят бахтли яшай бошладик. Ўғил кўрдик. Шахло онам орзу қилгандай уддабурон, хушмуомалали, оқ кўнгли эди. Афсуски, қисматнинг шўрлигини қарангки, онам икковидан олти ой ичида ажраб қолдим. Иккаласи ҳам бедаво дардга чалиниб дунёдан ўтди. Ҳозир ўғилларимга қайнонамнинг ўзлари бошқоқ бўлиб қараб турибди. Ёшим 40 да. Маълумотим ўрта-маҳсус. Ишим тайин. Зарарли одатлардан холиман. 40 ёшгача бўлган, меҳрибон, оқила аёл учраса, уйланмоқчиман.

ҒАЙРАТ, Тошкент вилояти”.

“Ота-онамнинг хоҳишига қараб, Ойгулга уйланган эдим. Тўйдан сўнг унга қаттиқ боғланиб қолдим. Уйдагиларим ҳам бундай меҳрибон, очик кўнгли, уддабурон келинларини еру кўкка ишонимасди. Менинг ҳам ишларим юришиб, топган-тутганим баракали бўлиб, уй-жой кўрдим. Кетма-кет беш нафар фарзанд кўрдик. Бахтли яшаётган эдик. Унинг ёлғиз укаси кишининг авжи чилласида автоҳалокатга учраб қафо қилиб қолди. Ўзбекчилик-да, хотиним

бечора жаноза куни кечгача тик оёқда, совукда юраверган. Уч кунлик маъракасини ўтказиб уйга қайтганида Ойгулнинг ранги ўчган, бир аҳволда эди. Эртаси куни касалхонага ётқиздик. Барибир аҳволи ўнганмади. Дўхтирларнинг айтишича, ўпкаси қаттиқ шомоллаган экан. Ўзини ниҳоятда авайлаб юриши зарур бўлди. Ўғилларимизни уйлантирдик, қизларимизни узатдик. Кенжа қизимнинг тўйи арафасида аёлим шомоллаб қолди. Ўша пайт эрта-индин, деб юриб, касалхонада ётиб даволанмади. Узлуксиз йўтал унинг эски касалини зўрайтириб юборди. Охири шифохонада қафо қилди. Шунга ҳам олти йил бўлди. Фарзандларим меҳрибон, атрофимда парвона. Барибир иссиқ жон, аёлни урни бўлакча экан. Ёшим 60 да. Нафақадаман. Ёшимга мос, қадримга етадиган, уйим-жойим дейдиган ёлғиз аёл бўлса, уйланмоқчиман.

ҚУВОНДИК ака, Қорақалпоғистон Республикаси”.

“Ота-онам ажрашиб кетгач, биз укам билан бувимнинг қарамоғида қолдик. Яхшигина яшаётгандик. Бувим қафо қилгач, тоғам бизларни ёлғизлатиб қўймади. Лекин келиноним сира

кун бермасди. Устамонлик билан тоғамнинг олдида сездирмас, улар ишга кетгач, нақ Азроилнинг балосига айланарди. Қўлимни уриб синдирганда ҳам тоғамга айтмаганман. Келиноним 17 ёшимда мени ўзининг соқов укасига мажбурон узатди. Ушанда тоғамдан жуда хафа бўлиб куну тун йиғладим. Кейин билсам, келиноним “Жиянингиз укамдан ҳомиладор бўлиб қолибди, тўйни тезлаштирмасак, шарманда бўламиз” деб боғлаб алдаган экан. Қайнонам қаттиқ-қўллик қилиб, мени ҳатто остона хатлаб кўчага чиқишимга ҳам рухсат бермасди. “Қўшнлар сенга гап ўргатади. Қани, ўғлимни ташлаб кетиб ҳам кўр-чи, сочингни битталаб юламан” деб кўрқитарди. Онам билан учрашишимга мутлақо йўл қўймади. Келиноним “Укангни ўйла” дерди доим. Беш йил деганда азоб-укубатларга чидалмай, охири онамникига қочиб кетдим ва эрим билан қонуний ажрашиш учун ариза ёздим. Не бир азобда ажрашдим.

Ниҳоят, “Оила ва жамият” газетасига онам бошлаб келди. Бизга хотини вафот этган, икки қизи бор Мурод деган йигитнинг телефон рақамини беришди. Учрашдик. Бир-биримизга маъқул келдик ва турмуш қурдик. Ҳозир ниҳоятда бахтлиман. Муроднинг тўрт мучаси соғ, меҳрибон инсон. Яқинда иккита фарзандимиз учта бўлади. Укам ҳам биз билан яшапти. Сизлардан бир умр миннатдорман.

САИДА, Наманган вилояти”.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Қайсарлик қимматга тушмасин

«Қиз йигиндаги эркактар», 5-сон

“Тўйларимиз — ўйларимиз” рукида берилган ушбу мақолани ўқиб, бундан 20-25 йиллар аввалги қиз йигинларини эсладим. У пайтлар фақатгина қизлар жам бўлишиб, айтишув, мушоира, лапар ва ёр-ёрлар айтиб, савол-жавоблар қилиб беллашишар, даврани қизитишарди:

— Сиз қандай қайнонага келин бўлишни хоҳлайсиз?

— Бирорта ибратли ривоят айтиб бера оласизми?

— Сиз ўзингизни келин бўлишга тайёрман, деб ҳисоблайсизми?

— Бўлажак турмуш ўртоғингизни қандай тасаввур қиласиз?

— Бирорта халқ қўшиғини хиргойи қилиб ёки шеър айтиб беринг:

Атлас кўйлагимни

киймасам бўлмас,

Солланиб ёнида юрмасам бўлмас,

Ёзи яхши, ўзидан сўзи яхши,

Қаттиқ меҳрим қўйиб,

севмасам бўлмас!

Қизил гул очилар, ҳовузга қараб,
Далага келибди, бир мени сўраб,
Олмали боғларнинг бағри тўжилмас,
Келаверсин, мендан
яхши топилмас!

Ҳозир-чи? Ҳатто иболи, ҳаёли, оқила, тарбияли деб ҳисоблаган қизларимиз ҳам тўй куни енгсиз, елкаси очик кўйлақда ҳамманинг кўз ўнгига пайдо бўлиши урфга кириб қолди. Ма-

қола муаллифи кишининг қаҳратон кунларида ҳам мана шундай енгил либос кийиб юрадиган келинлар ҳақида “Ша-



моллаб қолса, дардига даъво йўқ-ку!” дейди куюниб. Қани энди, буну ёшларимиз тушунса.

“Туф” деса тупук музлайдиган маҳалда бир маҳалладошимиз тўй қилди. Келин фалон пулга оқ либосни ижарага олиб кийди. Унинг қалт-қалт калтираётганини кўрган яқинлари пальтосини келтириб беришди, аммо келинчак қайсарлик қилиб, уни ҳеч қурса елкасига ташлаб олишга ҳам унамади. Тўй тугагач, келин хушдан кетди, дўхтирларнинг югур-югури билан зўрга ўзига келди. Лекин барибир асорати қолган экан: уч нафар норасида фарзандини қўлга олиш насиб этмади. Болалари нобуд бўлаверди. Кувёв эса ҳозиргача мавсумий равишда даволаниб келади. Келиннинг қайсарлиги бир оилани бахтсиз қилди...

Энди мана бу манзарага эътибор

МУНОСАБАТ

беринг: яна бир маҳалладошимиз — Аҳмаджон ҳам қиз узатди. Ота эрта-индин тўйи бўлаётган кенжатоё қизига юзланди:

— Агар “хўп” десанг, қизлар баъзида миллий либосингда гул-гул ёниб ўтирсанг!

Дилнозахон кўлини кўксига қўйганча “Хўп бўлади, дадажон”, дея розилик билдирди. Қиз баъзида ҳамманинг кўзларини қувонтириб, ўзбекона гўзал либосимизда ўтирди. Тенгқурларининг қистов ва зўрма-зўраки маслаҳатларини кулоққа илмай, эртаси куни Норбек ака ва Дилбар опанинг хонадонига ҳам миллий либосда кириб борди. Тўй ниҳоятда файзли ўтди. Бу манзарани ўз кўзи билан кўрган кўни-кўшни, меҳмону мезбонларнинг ҳаммаси “Илоё, қўша қаринглар, бошқалар ҳам сизлардан ибрат олсин”, дея дуолар қилишди. Яна, Шарифахон, Соҳиббахон ва Назокатхон ҳам тўйда миллий либос кийиб, қишлоқ аҳлининг олқшини олди.

Уларга ўхшаб миллий либосни хурмат қиладиган келинчаларимиз сафи кун сайин кенгайишига ишонамиз. Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқармоғимиз лозим. Маърифатпарвар аллома Абдурауф Фитрат “Оила” рисоласида: “Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади. Агар бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсизлик ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади”, деб ёзган эди. Шундай экан, нафақат фарзандларимиз камол, шу билан бирга, кўртимиз равнақи учун ҳам биз ота-оналар қатъиятли, оқил ва фозил бўлмоғимиз керак!

Фотима БОЛТАЕВА,
Хоразм вилояти.

СПОРТ

«Бунёдкор» ягона пешқадам

Футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лигасида ўн биринчи тур учрашувларидан сўнг ҳам амалдаги чемпион — «Бунёдкор» жорий мавсумда мағлубиятга учрамаган ягона жамоа бўлиб турди.

«Қалдирғоч»лар мазкур турда ўз майдонда чемпионлик учун курашаётган «Насаф» жамоасини қабул қилди. Қаршилиқлар ҳужумкор ўйин кўрсатди. Учрашувнинг 70-дақиқасида «Насаф» ярим ҳимоячиси Андрей Переплёткин ҳисобни очошга муваффақ бўлди.

Бироқ Анатолий Демяненко шоғирдларига пойтахтдан очко олиб қайтиш насиб этмади. Гол ўтказиб юборган «Бунёдкор» футболчилари ҳужумни кучайтирди ва жамоа тўпурари Милош Трифунович кетма-кет иккита тўп киритиб, мезбонларнинг 2:1 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Ўн биринчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» — «Пахтакор» 0:2, «Машъал» — «Нефтчи» 3:2, «Навбахор» — «Бухоро» 1:0, «Металлург» — «Сўғдиёна» 3:2, «Динамо» — «Олмалик» 0:1, «Андижон» — «Қизилқум» 3:0.

Мусобақа жадвалида 28 очко билан «Бунёдкор» клуби пешқадамлик қилаётган бўлса, атиги етти очко жамғарган «Динамо» жамоаси эса сўнгги погонани «мустаҳкам» эгаллаб турибди.

Адамек промоутерини ўзгартирмоқчи

Польша-лик ўта оғир вазли боксчи Томаш Адамек WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличко билан жанг ўтказиши маълум бўлди.

Адамеkning айтишича, у бу жангдан кейин олти йилдан бери ҳамкорлик қилиб келатган америкалик промоутери Кэт Дувой билан шартномани узайтирмоқчи эмас. Жанг эса шу йилнинг 10 сентябрыда Вроцлав шаҳрида бўлиб ўтади, дейилади Bokser.org сайтида.

Роналду «Реал»да яна ўн йил қолмоқчи

Мадриднинг «Реал» клуби ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду ўзининг ҳозирги жамоасида бахтли эканини таъкидлади.

Роналдунинг айтишича, у ҳозирда бошқа жамоага ўтиб кетиш ҳақида ўйлаганича йўқ.

«Ўзга жамоага ўтишни ҳаттоки тасаввур ҳам қила олмайман. Агар мен учун пул ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганда, аллақачон бошқа яхши маош тўлайдиган жамоага ўтиб кетган бўлардим. Борди-ю, «Реал» президенти билан яна ўн йилга шартнома тузишни истаса, мен бунга жон-жон деб кўнган бўлар эдим», деди футболчи «Марса» наشريга берган интервьюсида.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Бу йўлда хато қилманг...

...Туманимизда яхшигина иззат-обрўга эга бир оила бошига тушган мусибат кўпчиликини ҳушёр тортириб қўйди. Ушанда ширин орау-умидлар билан ўғил уйлантирмоқчи бўлган шифокор аёл ҳеч бир сабабсиз Бахт уйи эшигини четлаб ўтиб, тўйдан олдинги тиббий кўрикка ҳам амал қилмасдан данғиллатиб тўй ўтказди. Орадан уч-тўрт ой ўтар-ўтмасдан қонуний никоҳи қайд этилмаган ёш келин-куёвлар орасига совуқчилик тушди. Арзимаган масалада бошланган жоҳор оқибатида алаам устида келин ота уйига, куёв эса хорижга йўл олди. Бир навниҳол оила ҳеч қандай сабабсиз осонгина бузилди. Энг ёмони, қиз тараф қудаларга ишониб, никоҳни расмийлаштирмагани учун панд еди. Орадан кўп вақт ўтмади. Куёв мусофир юртда фалокатга учраб...

Бу бизлар гувоҳ бўлган ҳаётнинг оғир синовларидан биттаси, холос. Худди шунга ўхшаш воқеалар ахён-ахёнда бўлса-да, учраб турибди. Уларнинг аксариятида айрим юртдошларимизнинг оила аталмиш муқаддас тушунчага енгил-елли қараш ики ҳақ-хуқуқла-

рини яхши билмаётгани панд бериб қўймоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, нега “Кудачилик — минг йилчилик” деган азалий ақидани қаттиқ тутган халқимиз орасида бу қондаларга тескари хатти-ҳаракатлар қилаётганлар сони кейинги йилларда ошиб бормоқда? Бунинг туб сабаблари қаерда? Биз айнан ана шундай хатоларга йўл қўймаслик учун туман хотин-қизлар кўмитаси, ФХДЁ бўлими ходимлари ҳамда маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари, қолаверса, кўпни кўрган отахону онахонлар, кенг жамоатчиликка суянган ҳолда фаолият юритишга интиляямиз. Имкони борича муаммоли оилалар билан кўпроқ ишлашга ҳаркат қилаёямиз. Айниқса, кейинги пайтда ёшлар ўртасида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғиботлар, турли учрашув ва очик мулоқотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Туманимиз ҳудудида ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан кўринаптики, ажралишлар, ёлғиз оналар сони йилдан-йилга камаймоқда. Қонуний никоҳнинг афзалликлари, ноқонуний оила

ОИЛА БЕКАТИ

қуришнинг салбий асоратлари тўғрисида аҳоли ўртасида ўтказилган кенг тарғибот тадбирлари туфайли расмий никоҳсиз туғилаётган болалар сони ҳам кескин пасайди.

Азал-азалдан муқаддас заминимизда миллий урф-одат ва анъаналаримизни ёш авлод онгига сингдиришди, уларни жисмоний баркамол, меҳроқибатли инсонлар қилиб тарбиялашда оила муҳити муҳим ўрин эгаллаб келган. Кексаларнинг ибратли ҳаёт йўли, ўғитлари, йиллар силсиласида тобланган тажрибаси ёшларимизнинг тўғри йўлни танлашларида ижобий таъсир этиши барчамизга аён. Шу боисдан ҳам ўтказилаётган учрашув-тадбирларимизни қуруқ маърузалар билан эмас, балки ёши улуг, эл ўртасида обрў-эътибор топган, 50 йиллаб бир-бирига елкадош, ҳамқадим бўлган, элга муносиб фарзандларни тарбиялаган бахтли оилалар иштирокидаги учрашувларни кўпроқ уюштиряёмиз.

Моҳира ХАЛИЛОВА,
Қизилтепа туман ФХДЁ
бўлими мудир.

Муассеслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» асоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой Бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-ракам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 632. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади — 10948. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАБОРОВ Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ Мусахҳиллар — Саидғана САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5